



# YOSHLAR OVOZI

## MUNOSABAT

### АДАБИЁТ ЯШАСА...

Ўтган йили шу кунларда ижодкорлар орасида хушхабар тарқалди — Президентимиз маданият, санъат ва адабиёт вакиллари билан учрашаркан, янгилик мамлакат бўйлаб қанот ёзди. Уша воқеага давлатимиз раҳбари жуда кўп соҳа вакиллари — олимлар, тиббиёт ходимлари, дин уламолари, ёшлар билан учрашувлар ўтказилгани, уларда шу соҳаларнинг энг долзарб масалалари танқидий қўриб чиқиш, муҳим ҳужжатлар қабул қилинаётганини ҳаммамиз қўриб-қўзатиб, ҳавас қилиб юрган эдик. Ниҳоят навбат маданият ва адабиётга ҳам етганди.

2017 йил 3 август — Президентимиз ижодкор элита билан учрашган кун тарихига муҳрланди. Юртбошимизнинг: "Биз сизлар билан адабиётимиз, санъатимиз, маънавиятимиз ҳақида бугун гаплашиб олмасак, муаммоларимизни биргалашиб ҳал қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Айтилади-ку, "Уртада бегона йўқ..." деб. Келинлар, бугун ҳаммаси самимий ҳолда бўлсин!" — деган гаплари иштирокчиларнинг руҳини кўтариб юборди. Бу ҳис узок вақтгача қалбимизда сақланиб турди.

Мана, орадан бир йил ўтди. Мен ўша кунни янгиликда ўтириб, давлат раҳбарининг ҳароратли сўзларига, атрофимдаги устозлар юз-қўлидаги миннатдорлик туйғусига бевосита гувоҳ бўлган ижодкор сифатида ўтган давр мобайнида амалга

оширилган ишлар борасида ўйлаб қоламан...  
"Устозларимиз камроқ бўлади", — дегани Шавкат Мирзиёев. Шундан сўнг адабиётимиз даргалари — Ҳамид Олимов ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф номида мактаблар, боғ ва хиёбонлар барпо этилгани, уларнинг ижодий меросини кенг миқёсда ўрганишга шароит яратилгани устозлар руҳига эҳтирманинг амалий ифодаси бўлди.

Мулоқот чоғида Президент ёш ижодкорлар учун Олий адабиёт курсини қайта ташкил этиш, аъёнлар Зомин семинарини ўз жойи ва макомига қайтариш, ижтимоий буюртмаларга жиддий аҳамият бериш каби масалаларни ҳам кўтарганди. Бугунга келиб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида Олий адабиёт курси қайта йўлга қўйилгани, унда таҳсил олишга талабдор бўлган юзлаб ижодкорлар айни кунларда имтиҳон босқичларида тургани, икки йилдан бери асрий Зомин тоғлари ёш ижодкорларнинг ўқтам овозидан ларзага келатгани, Ёзувчилар уюшмаси буюртмасига асосан "Адиб ва жамяят" руқнида атоқли адибларимизнинг ўнлаб асарлари яратилгани ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 август кунини Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қўллар экан, Ўзбекистон билан ЕТБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувдан кейин томонлар биргаликда кенг қўламли ишларни амалга ошириб, дастлабки аниқ натижаларга эришдилар.

Бу даврда банк томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий қиймати 190 миллион доллардан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой қуриш, энергетика тармоғи ва коммунал хўжалик объекла-

рини модернизация қилиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ истиқболли лойиҳалар қўриб чиқилмоқда. Шундан қиймати 600 миллион долларгача бўлган лойиҳаларни яқин ойларида маъқуллаш режалаштирилмоқда.

Жорий йил сентябрь ойида қабул қилиниши мўлжалланган ЕТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишлари қўнига етмоқда. Бундан ташқари, ўтган йил ноябрь ойида банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўз фаолиятини тиклади, мамлакатимиз ҳудудларида унинг филиалларини ташкил этиш қўзда тутилган.

ЕТБ экспортлари мамлакатимизда хорижий молиявий институтлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги тартибни ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Шунингдек, Ўзбекистонда энергетика секторини ислоҳ қилиш ва қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш бўйича узок муددатли дастур ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлаб боришмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввало, асосий тармоқлардаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни ҳусусийлаштиришга тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган янги дастур ва лойиҳалар билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Сума Чакрабартини Ўзбекистонда давлат ва жамяят қўрилиши соҳасида янги босқичда амалга оширилаётган, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва

сифатини оширишга, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётган ислохот ва ўзгаришларни, иқтисодиётдаги либераллаштириш жараёнларини юқори баҳолади.

ЕТБ раҳбари Ўзбекистон Президентининг ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, уларни қатъий қўллаб-қувватлашини билдирди.

Давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан шериклигини янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

## МУСТАҚИЛЛИК

27  
ЙИЛ

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA

## ЎЗБЕКИСТОНДАН УМРБОД ҚАРЗДОРМАН!

Малика ЖУМЪАЗОДА,  
Самарқанд давлат университети  
магистранти

Ватан — киндик қон тўкилган замин. Аммо бир юртда туғилсанг-у, бошқа ўлкада униб-ўссанг, Ватанинг қаер бўлади? Халқимиз туққан она эмас, боққан она, деб бежиз айтмас экан. Бу гапнинг маъносини йиллар ўтибгана англадим.

...Ота-онам бир неча йил аввал Тожикистондан Ўзбекистонга кўчиб келганди. Ушанда мендан-да интиқ бўлиб кутган ота-онамининг қувончини курсангиз эди. Уларнинг ҳолатини сўз билан ифодалаш қийин. Иسمىни ўқиганларидан севинчдан кўзимга ёш келди. Наҳотки энди дунёнинг исталган мамлакатига бориб, илмий излашуларимни давом эттира олам, дейман ичимда. Ўзбекистон отам-онам каби азиз, меҳрибон бўлиб, бошимни силади. Уни, том маънода, Ватаним дея айта олам.

Бу муқаддас заминда кўп йил яшаб келаётганимга қарамай, Ўзбекистон фуқароси эмаслигим қалбимни ўртарди. Шу сабабли халқаро илмий анжуманларда иштирок эта олмаслигим, айниқса, алам қиларди.

Хайриятки, оянинг ўн бешти ёруғ, ўн бешти қоронғу экан. Президентимизнинг жорий йил март ойидаги фармони билан 35 нафар самарқандлик қаторида менга ҳам

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти топширилди. Бу кунни мендан-да интиқ бўлиб кутган ота-онамининг қувончини курсангиз эди. Уларнинг ҳолатини сўз билан ифодалаш қийин. Иسمىни ўқиганларидан севинчдан кўзимга ёш келди. Наҳотки энди дунёнинг исталган мамлакатига бориб, илмий излашуларимни давом эттира олам, дейман ичимда. Ўзбекистон халқининг тенг ҳуқуқли азоси бўлиш нақадар бахт! Орзуларим руёйдан кўнглим осмон қадар юксалди. Бу, шаксиз, мустақиллик шарофатидир.

Мурожаатимни эътиборсиз қолдирмагани учун Юртбошимиздан беҳуд миннатдорман. Мени оқ ювиб, оқ тараган, барча имкониятлар эшигини очиб берган Ватан — Ўзбекистондан умрбод қарздорман!

## ESLAYSIZMI?

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи 45 кун ичида тўлиқ қайтадан қурилиб, замонавий шаҳарча айлантирилди. Бу Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Обод қишлоқ" дастурининг илк лойиҳаси эди.

Йил охиригача эса, дастур асосида яна 368 та манзилгоҳни обод ҳолга келтириш қўзда тутилган.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1 август кунини олий таълим муассасаларининг бакалаврият йўналишига кириш учун тест синовлари бошланди



Юрт тараққиёти юксак билим ва касбий малакага эга, замон руҳи билан ҳамнафас, соғом ва теран тафаккурли, рақобатбардор кадрлар саноҳиятига боғлиқ. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўқитишнинг барча бўғинлари каби олий таълимни ҳам тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичига кириш учун тест синовлари университет ва институтлар биносида ташқарида, мутлақо ҳолис ва бошқа биналарда бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Республика олий таълим муассасаларининг бакалавриятга кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу йўналишда авваллари мисли қўрилмаган туб ижобий ўзгаришларни амалга ошириш учун имконини бермоқда. Унга қўра, 2018/2019 ўқув йилидан

бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказиш, синон натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилишга алоҳида эътибор қаратиламоқда. Шунингдек, абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, музикни таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишда ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.

Шунингдек, жорий йилда биринчи марта 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари, "Ўзқўргазмасавдо" мажмуаси, олий ўқув юрталарида спорт комплекси каби катта сифимдаги биналарда, вилоят марказларидаги Олимпия

захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сифимдаги биналарида ўтказилаётти. Тест жараёнининг максимал даражада ошқора ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналари онлайн режимида кузатиб боришлариغا имконият яратилгани ҳам эътиборга моликдир.

Республика олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳам бутунлай қайтадан қўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест синови натижаларини тезкор ўқишга мўлжалланган энг замонавий техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса натижаларни қисқа фурсатда эълон қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июнда қабул қилинган "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул

қилиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота бакалаврлар учун 69 минг 200 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 17 минг 654 нафар ва тўлов-контракт асосида 51 минг 546 нафар этиб белгиланди. Махсус сиртки ва кечки бўлимларда ҳам ўқишларнинг ташкил этилгани, бир қатор олий таълим даргоҳларининг оғилгани ёшларнинг билим олиш йўлидаги имкониятларини янада кенгайтиради. Жорий йилда юртимиз олий таълим масканларида абитуриентлардан 675 минг 49 та ариза келиб тушди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига қўра, абитуриентлардан энг кўп ҳужжат келиб тушган олий таълим даргоҳлари сафида Қарши, Самарқанд, Фарғона давлат университетлари пешқадамлик қилмоқда. Конкурс энг катта бўлган олий ўқув юрталари сифатида

эса Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига 1 ўринга 23,2, Андижон машинасозлик институтига 1 ўринга 18,3, Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиалига бир ўринга 17,6 ариза тўғри келмоқда. Жорий йилда абитуриентлар Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, "Ипак йўли" туризм халқаро университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институтини каби янги олий таълим масканларига ҳужжат топшириш имконига эга бўдилар.

...Эрталабки соат 8.00. Пойтахтимизда олий таълим даргоҳларининг бакалаврият йўналиши бўйича тест синовлари "Ўзэкспомарказ"нинг бир неча павильонлари, "Ўзқўргазмасавдо" мажмуаси, Олий ўқув юрталарида спорт мажмуаси, Республика иқтисодлаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, Олимпия захиралари коллежи каби катта сифимдаги биналарда бўлиб ўтди. Бу масъулиятли жараёни тартибли, белгиланган қоида ва меъёрларга мос тарзда, очик, шаффоф, адолатли ўтишини таъминлаш учун зарур барча чоралар қўрилган.

Бугун "Ўзэкспомарказ" павильонларида Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш истагидаги ёшлар тест синовлари топширмоқда. Мазкур университет қабул комиссияси масъул котиби Отабек Бобоқоновнинг айтишича, ушбу ўқув даргоҳида бакалаврият таълим йўналиши бўйича бу йил илк марта ёшлар жойлардаги Давлат хизматлари марказлардан туриб, онлайн тарзда ҳужжат топширган. Жорий ўқув йилида университетга талабалар қабул қилиш режаси 600 нафарни ташкил этади. Ёшлардан келиб тушган аризалар эса етти мингдан ортиқ.

Павильонларда тест жараёни белгиланган тартиб ва меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда бўлиб ўтди. Бу йилги тестларга жиддий тайёрларлик қўрилгани абитуриентларнинг бу масъулиятли жараёнга ёндашувида ҳам яққол намоён бўлди. Уларнинг ўз кучига, билимига бўлган ишончи ёшларнинг юз-қўлида зоҳир эди.

Мажмуага ёндаш ҳудудда абитуриентларнинг ота-она-

лари учун ҳам зарур барча шароитлар яратиб берилди. Шу ерининг ўзида ўрнатилган махсус мониторинг орқали тест синовлари жараёнини бемаалол кузатиш имконияти яратилди.

— Қизим Муҳлиса бу йил олий ўқув юртига илк марта ҳужжат топширди, — дейди наманганлик Малоҳат Турсунова. — Барча жараёнларда очиклик, шаффофликнинг таъминлангани юртимизда коррупциянинг олмини олиш, унга йўл қўймаслик йўлидаги амалий қадамлардан экани барчага манзур бўлмоқда. Тестдан чиқиб келаётган ёшларга юзландик.

— Саволлар аниқ, лўнда ифода этилган, — дейди самарқандлик Муҳриддин Калонов. — Уларни қайта-қайта ўқиб, магзини қақишга ҳожат қолмаган. Тестни муваффақиятли ечиш барчанинг билим даражасига боғлиқ эканини бу жараёнда яққолроқ сезилмоқда. Ростини айтганда, авваллари айрим абитуриентлар ва баъзи нопок кимсалар мугамбирлик, олғирлик, гирромлик бўйича билимининг тестларда синовдан ўтказар эди. Ҳозир бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг илҳизи буткул бартараф этилганига гувоҳ бўлдик.

Тест синовлари ҳолис, ҳаққоний, шаффоф ўтди, — дейди бухоролик абитуриент Шўҳрат Тўраев. — Шпаргалладан қўчираётган ёшларнинг қўчирилган ҳатти-ҳаракат қилаётган ҳолатлар кўзга ташланмади. Келтирилган саволлар ўта мураккаб ҳам, ўта энгли ҳам эмас. Барча-си мактаб дарсликларидан келтирилганига ишонч ҳосил қилдик. Тестларнинг адолатли ўтишини таъминлаш йўлидаги бундай сай-ҳаракатлар ёшларнинг ўқишга бўлган иштиёқи ва қизиқиши, энг асосийси ҳақиқатнинг қарор топишига бўлган ишончини кучайтирди.

Дарҳақиқат, бу йилги тестларнинг ҳолис, ҳаққоний ва адолатли тарзда ташкил этилгани кенг жамоатчилик, ота-оналар, ёшларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Табрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Арипов иштирок этади.

## ХАТОСИНИ ТУШУНИБ ЕТДИ



## КИНО — КЎЗГУ ёхуд тарихий қарор тафсилотлари





илинжида ўзганинг умрини хазон этиш, ҳақиқа хиёнат қилишдан тап тортмайдиган кимсалар орамизда, афсуски, учраётми. Масалан, фирибгарлик билан шуғулланиб, жиноятчилар курсисига ўтирган тенгдошларимиз оз дейсизми...

Дину диёнат, ахлоқ-оодоб, ор-номус тушунчаларини қадрият санаган не-не буюк зотларнинг авлодлари, олижаноб халқ

фарзандларининг бундай қабих ишларга қўл уриши уят, исноддир. Буни тарбиядаги нуноқлик оқибати дейиш адолатдан бўлади.

1993 йилда туғилган Ф.С. одамларни чув тушириш орқали даромад кўрмоқчи бўлди. Калта ўйлаган экан. Кўпга бормай қилмишлари фаш бўлди. Ёш йигит устидан жиноят иши кўзғатилди. Иш очиб суд мажлисида кўриб чиқилди. Борди-ю ўртага Ёшлар иттифоқи тушмаганида айбдор суд залидан тўғри қамоққа йўл оларди.

Иттифоқнинг Навоий вилояти кенгаши Ф.С.нинг таржimai холи, қандай мухитда тарбиялангани, яқинлари кимлиги, оиласининг маҳалла-қўйда қандай маъқега эга эканини обдон ўрганиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлган учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, судга мурожаат қилди. Президентимизнинг шахсий ташаббуси билан бугун Ёшларга алоҳида гамаҳурлик кўрсатилаётгани боис, мурожаат сўзсиз қаноатлантирилди.

Ф.С. озодликка чиқди. Энди Ёшлар иттифоқи адашган бу ёшни яқкалатиб қўймайди. Ахир, ташкилот уни ўз қабилиги остига олган. Демак, қайтиб жиноят содир этишига йўл қўймаслиги керак.

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

ХАТОСИНИ ТУШУНИБ ЕТДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Жиноят нафақат уни содир этган шахс, балки бутун жамият юзига қора доғ бўлиб тушиши аниқ. Шахсий манфаат учун миллатнинг бошини эгшига эса, ҳеч ким ҳақли эмас.

Шу боис юртимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши профилактика ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳолоқатдан, айниқса, эртамиз эгалари — ёшларни оғоҳ этиш ниҳоятда муҳим. Бугун мазкур масалага давлат ҳам, жамоат тузилмалари ҳам бирдай масъулият билан ёндашган.

Аммо нафс қўлига айланган, енгил пул топиш



АДАБИЁТ ЯШАСА...

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мана шуларни ҳаракатга келаятган адабиёт, деса бўлади. Уни ҳаракатга келтирган эзгу куч давлат раҳбари бўлса, бир ғайратингга ўн ғайрат қўшилар экан. Уша кун юртбошимиз: "Биз ўз ижодкорларимизни ижода давлат қила билишимиз лозим", — деган эди. Бунинг исботи ўлароқ, санъат ҳамда адабиёт ривожини йўлда қабул қилинган қарор ва фармонлар ана шу эзгу давлатнинг ифодаси бўлиб турибди.

Хусусан, 2018 йилнинг 5 апрелида имзоланган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳаётийлиги билан ҳаммамнинг кўнглига ўрнашди. Унда марҳум адиблар хотирасини абадийлаштиришдан тортиб, оқсоқол ижодкорлар ҳол-аҳволига, китоб чоп этиш муаммоларидан тортиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари тақдирини, қалам ҳақи масаласидан тортиб, уй-жой таъминоти, қамраб олингани,

бир сўз билан айтганда, соҳага ўта мохирона ташхис қўйилгани ёзувчи ва шоирлар руҳини кўтариб юборди.

Мана, уюшма учун мухташам бино... Мана, ижодкорлар учун қад ростилаётган кўп қаватли иморат... Мана, гуриллаб шеър ўқийётган ёшлар давраси... Ижтимоий буюртмалар маҳсули бўлган салмоқли китоблар... Йўлчи юлауз бўлиб турган қарор... Эйтибор бўлса, шундай булар-да!

Уша йилгишда Президент кўяниб бир гапни таъкидлагани: "Ўзбекистонда, юртимизда адабиёт ва санъат, маданият бизнесга айланмаслиги шарт. Биз

бунга йўл қўймаймиз ҳам!". Ҳозир ҳаммамиз тўқилганиб айтаятган шунча шароит, эътибор эҳтиромдан келиб чиқадиган масъулият шу эмасми асли? Мамлакат раҳбари сенга умид билан қараб: "Жамият тафаккури эгасисиз!" — деб турса, бундан қанчалик ғурур тусан киши. Шулар ҳақида уйлаб, адабиёт, маънавият ва унга ҳомийкалик қилаётган буюк давлат ҳеч қачон завол кўрмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Носиржон Жўраев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Шўхрат" медали соҳиб

"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

ФАРИДАГА ИШ ТОПИЛДИ

Зарнигор НАФИДИНОВА

"Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi doirasida Ёшлар иттифоқи фаолиятидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари Когон тумани аҳолисининг ижтимоий аҳволини ўрганиб, молиявий кўмакка муҳтож, кам таъминланган оилалар вакиллари билан мулоқот қилмоқда.

"Сиёз-поён" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Фарида Саидова оиласининг ягона боқувчиси ҳисобланади. Ёш бўлишига қарамай, тақдир изми билан жисмоний имконияти чекланган отаси,

онаси ва акасини парварош қилиш ҳамда рўзгор юкни тортиш унинг зиммасида. Шу боис қиз шўрлик анча қийналиб қолади. Ишчи гуруҳи Фариданинг масаласига ечим топишга ўринди. Тикувчи-



ликка ўқуви борлиги инобатга олиниб, унга Иттифоқнинг туман кенгаши ҳамда аҳлия бошқармаси томонидан замонавий русумда-

ги тикув машинаси совға қилинди. Энди тенгдошимиз уйда касаначилик асосида пул топиб, шогирдалар тарбиялаши мумкин.

IFTIXOR



УЛАР ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

Санжар ЭШМУРОДОВ

Миллат шаъни, давлат ва жамият обрўини мамлакатнинг ақдан етуқ, жисмон соғом фарзандлари белгилаб беради. Жаҳон ареналарида ғилпираб турган байроғимизни кўрсак ёки вакилларимиз халқаро танловларда ғалаба қозонганини эшитсак, бехиттиёр кўзимизга ёш келади. Ана шунда Ўзбекистон ёшлари ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласан, киши.

Юқинда ўқувчиларимиз — Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусов академик лишейи ўқувчилари Жалолидин Аловутдинов ва Дилдора Ҳақимбоева Чехия ва Словакияда 80 дан ортиқ мамлакат иштирокчида ўтган 50-хаққаро

кимё олимпиадасида бронза медалларини қўлга киритгани ҳам биз учун, шаксиз, шонли ғалабадир.

Ўзбекистон мазкур нуфузли фран беллашувида 2013 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келмоқда. Шу кунгача мамлакатимиз ҳисобига 17 та

медал ёзилган. Бу сафарги беллашува терма жамоамиз тўрт кишилик таркиб билан қатнашди.

Ўқувчиларимиз кимё, биология бўйича халқаро фан олимпиадаларида кўп бора совриндор бўлган, — дейди ТПТИ қошидаги академик

лишейи директори Ортиқбой Эшонқулов. — Уларнинг чекида ҳаммаси бўлиб 5 олтин, 11 кумуш ва 27 бронза медали бор. Бу билан доимо фахрланамиз.


Биз Жалолидин ва Дилдорани ҳам сўзбатга тортидик. — Отам — агроном. Кимёга меҳрин у киши уйғотган, — дейди Д.Ҳақимбоева. — Эсимда, мактабда ўқиб юргананда уй вазибаларини доимо бирга тайёрлардик. Отам мен билан эринмай шуғулланарди, қанча керак бўлса вақт ажратарди. Мана натижасини ўзингиз кўриб турибсиз. Ўтган йили Остона шаҳрида ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасидан бронза медали билан қайтганим. Бу сафар ҳам омад мен томонда бўлди. Аммо шунга яраша пухта тайёргарлик кўрганмиз. Хорижда чиқарилган янги адабиётлар билан обдон танишиб чиқишимга тўғри келди. Лекин олтин медал олишим учун лаборатория машғулотини озгина пана берди — олтин медалга эришолмадим.

Бундан чиқди, мактаб, лишей ва коллежларимизда амалий дарсларга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. — Амалий жиҳатдан урганишимиз керак бўлган нарсалар чиндан ҳам кўп, — дейди Ж.Аловутдинов. — Аммо бронзани ҳам ёмон натижа деб бўлмайдик. Келгусида билимимни ошириб, бундан-да юксак марраларни забт этишни мақсад қилдим.

АСКАРЛАР ҚАРШИ ШАҲРИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛДИ

Ў.БАРОТОВ, ЎЗА муҳбири

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли Қашқадарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларда мuddатли ҳарбий хизматини ўтаётган бир гуруҳ аскарлар Қарши шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилди.



Ҳарбий хизматчиларни кўнглилар тадбирларга жалб қилиш, уларнинг дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш, шунингдек, юртимизнинг бой тарихидан дарак берувчи муқаддас қадимжолар ҳақидаги билимни бойитиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Тадбирлар доирасида ҳарбий хизматчилар Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали ўрнатилган хибон, Амир Темур кўприги, "Соҳил" ва "АСИ" истироҳат боғлари ҳамда Қарши шаҳридаги бошқа тарихий обидаларни томоша қилди.

— Ҳарбийларнинг билимини бойитиш ва маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилувчи бундай тадбирлар

мунтазам ташкил этиб келинмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидан мuddатли ҳарбий хизматга қақрилган оддий аскар Умиджон Йўлдошев. — Бу ерда хизмат қилаётган аскарларнинг деярли барчаси бошқа вилоятлардан. Ҳарбий хизматни ўташ билан бирга, ўша худуднинг тарихи, диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишиб борамиз. Масалан, музейга саёҳатимиз менда катта таассурот қолдирди. Барча экспонатлар қизиқарли. Қашқадарё вилояти тарихига оид кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

Тадбир давомида мuddатли ҳарбий хизматчиларга Қарши шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш маркази клубида "Мен хизмат қилган ўлка" номли фильм намойиш этилди.

KUN MAVZUSI

БИЛИМЛИ ЮТҚАЗМАЙДИ!

Жавлон ВАФОЕВ, Нозима МИЯССАРОВА

"Ўзқўргазмасавдо" мажмуаси Тошкент давлат юридик университетини талабаси бўлиш истагидаги абитуриентлар билан гавжум. Бинога яқинлашар экансиз, дилбандига далла бериб, дуога қўл очган ота-оналарга кўзингиз тўшади. Ҳар бир абитуриент марказий серверига уланган, юз тузилишига қараб шахсини аниқлайдиган махсус электрон тизим ёрдамида текширувдан ўтказилмоқда. Ичкарига ўрнатилган видеокузатув камералари орқали эса имтиҳон жараёнларини тўғридан-тўғри кузатиб бориш мумкин.

Эрталабки саккизда бошланган имтиҳон соат ўн бирда якунланди. Бирин-кетин ташқарига чиқаётган йигит-қизларни суҳбатга тортидик. — Имтиҳон ўйлаганидан-да аъло ўтди, — дейди наманганлик Мунаввар Охунова. — Яширмайман, аввалга қаттиқ ҳаяжон-

ландим. Лекин саволларни ўқий бошлағач, анча енгил тортидим. Боиси деярли барчасига жавобларни биламан. Кувонарлиси, аудиторияда ҳеч ким телефон ёки шпаргалкадан фойдаланмади. Насиб этса, талаба бўламан! Ўзбекистон журналистика ва оммавий комму-

никация университетига кириш имтиҳонлари тушдан кейин бошланди. Республика олимпиа заҳиралари спорт мактаби, "Ўзқўргазмасавдо", "Ёшлик" ҳамда теннис мажмуаларида бўлиб ўтган тест синовларида 700 нафарга яқин абитуриент қатнашди. — Телерадио журналистика йўналишига ҳужжат топширганман, — дейди пискентлик Александр Белокова. — Бу иккинчи уринишим. Ўзимга ишонман. Билимли одам ҳеч қачон ютқазмайди.

Қашқадарё вилоятида имтиҳонларни Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти бошлаб берди. Олимпиа заҳиралари коллежиди абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун барча шароитлар яра-



Ўрганч филиалига 2 минг 131 нафар абитуриент ҳужжат топширди. 105 нафари туркман. Бу мамлакатимизда тиббий таълим бериш сифати яхшиланиб бораётганидан далолатдир. Ушбу йигит-қизлар тест синовларисиз, суҳбат асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, бир нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори ҳам алақачон академия талабаси бўлишга улгурган.

Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида эса, жорий йилда энг кучли рақобат шакланган. Бир уринга 23,2 киши тўғри келди. 1 август кунини абитуриентлар тест синовидан ўтиш учун Фарғона олимпиа заҳиралари коллежи ва Қирғули спорт комплексиди тўпланди.

Филиал фаолияти қайта тикланганидан кўпчилик мамнун, — дейди Давлат тест маркази худудий бўлими бошлиғи Усмонхон Шокиров. — Тест жараёни белгиланган меёр ва талаблар асосида ўтиши учун зарур чоралар

қўрилган. Биринчи кунидеқ турли алоқа воситалари ва шпаргалкалардан фойдаланишга уринган 11 нафар абитуриент имтиҳондан четлатилди.

Навоий шаҳридаги "Ёшлар" спорт мажмуида Навоий давлат педагогика институтига ҳужжат топширган йигит-қизлар билимини синовдан ўтказди.

Жорий йилда мазкур таълим муассасасига 2 минг 360 киши қабул қилинади. Талабгорлар сони эса, 13 мингдан ортиқ. — Айрим йўналишлар бўйича ижодий имтиҳонлар 25 июлдан бошланган, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Шўхрат Худоев. — Тест синовлари 6 августгача давом этади. 30 нафардан зиёд абитуриент уқибган имтиҳонларсиз қабул қилинди. Улар орасида турли танловлар ва олимпиадалар совриндорлари, ҳарбийларнинг фарзандлари ҳамда Ёшлар иттифоқи тавсисини олган ёшлар бор.



## KITOB JAVONINGIZGA

## JAFOKASH XALQ NOLASI

Mardona ZOKIROVA


Bobom uzoq yillar adabiyot o'qituvchisi bo'lib ishlagan, badiiy asarlar o'qishni yaxshi ko'radi. Menga ham ko'plarini ilinadi. Bu gal: "Buyuk Tagorni o'qi, mana, atayin sen uchun sotib oldim", — dedi. Sevinib ketdim. Shunday qilib, "Nur va soyalar" hikoyasini mutolaa qila boshladim.

Asarda o'qimishli, kam-tarin va o'zgalari uchun jon kuyatidigan advokat — Shoshibushon, bilim olishga ishtiyoqi bo'lsa-da, ammo qiz bola o'qishi shart emas, deb hisoblaydigan oilada ulg'aygan soddalir Giribala, uning mudom zamon yo'rig'i bilan ish tutadigan otasi — Xorkumar kabi personajlar bilan tanishasiz.

Hikoyada tasvirlanishicha, xalq o'z haq-huquqini

bilmaydi, zodagonlar zulm qilsa-da qulog'i kar, ko'zi ko'r bo'lib yuraveradi. Ammo adolatparvar Shoshibushon bunday nohaqliklarga chidab turolmaydi. Ojizlarni jabru sitamdan qutqarish uchun bir necha bor sudga ham murojaat qiladi. Ammo odamlarning qo'rqoqligi sabab tayoq faqat uning boshida sinadi.

Alal-oqibat, yigit tuhat va zo'rvonlikda ayblanib, besh yilga qamaladi. Otasi uni



giga nisbatan ancha oz". Asaring yana bir qahramoni — Giribala akalariga o'xshab maktabga borishni juda xohlaydi. Ammo iloji yo'q. Chunki u yashayotgan qishloqda ayollarga past nazar bilan qaralib, ular faqat mehnat qilishga mahkum qilingan. Shunga qaramay, Shoshibushon Giribalaga ilm o'rgatadi, har kuni kitob o'qib beradi. Qiz ba'zan mavzudan chetga chiqib, xayolot dunyosiga g'arq bo'ladi. Shoshibushon esa, uning gapini bo'lmasdan, fikrlarini diqqat bilan eshitadi.

Hikoyani o'qish asnosida, bir tomondan avom xalqqa achinsangiz, boshqa tomondan, ranjizsiz. Chunki u o'z hayotini yaxshilashga intilmaydi. Keyingi avlodlar farovon yashasin, degan o'y bilan aqalli bir qadam oldinga siljigisi yo'q. Axir, farzandlari ma'nan yetuk, jismlarini sog'lom bo'lgan yurt taraqqiyotiga etish aniq-ku. Nazarimda, "Nur va soyalar" da aynan shu g'oya ilgari surilgan. Asarni, albatta, o'qib chiqing.

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

— 2011 yilda universitetdan chetlatilganman. Aytinchi, hozir o'qishimni qayta tiklay olamanmi?

Sanjar RAHMONOV  
Bulung'ur tumani

Savolga huquqshunos Aziza TOLIPOVA javob beradi:

— Ha. O'qishdan ko'pi bilan 10 yil oldin chetlatilgan (harbiy xizmat, uch yoshgacha bo'lgan bola parvarishi uchun olingan mehnat ta'tili hamda sog'liqni qayta tiklash vaqti ushbu muddatga kirmaydi) talaba tegishli oliy ta'lim muassasasi bo'yisuvchi vazirlik yoki idora ruxsati bilan o'qishini qayta tiklashi mumkin.

Kuzgi semestrda o'qishni davom ettirmoqchi bo'lgan talabgorlardan arizalar har yilning 15 iyulidan 5 avgustigacha, bahorgi semestr uchun esa, 20 dekabrdan keyingi yilning 20 yanvariga qadar qabul qilinadi.

(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.)

## ENSIKLOPEDIK MA'LUMOT

To'maris — massagetlar malikasi. Miloddan avvalgi VI asrda yashagan. Eron shohi Kayxusrav (Kir II)ning Turonga bosqinchilik yurishiga qarshi mardonavor kurash olib borgan. To'maris halol jang qilishni yaxshi ko'radi. U ahdigga binoan dushmanning Amudaryodan bema'lol o'tib olishiga yo'l qo'yadi. Ammo Kayxusrav hiyla ishlatadi: To'marisning o'g'li Sparganisni mast qilib, asir oladi. Sparganis o'zini o'ldiradi. Shundan so'ng miloddan avvalgi 530 yilning yozida tomonlar o'rtasida qattiq jang bo'lib, Eron qo'shini tor-mor qilinadi. Kayxusrav jangda halok bo'ladi. To'maris uning boshini qon bilan to'lg'azilgan meshga solib: "Sen umring bo'yi qonga to'yumading. Men o'z ontimga amal qilib, seni qon bilan sug'ordim. Birovning yurtiga zo'rvonlik bilan bostirib kirganlarning jazosi shu!" — deydi. Shu tariqa To'maris o'z yurtining mustaqilligini saqlab qolgan.

## PSIXOLOG MASLAHATI

— Ukam (17 yoshda) ishi yurishmayotgani tufayli qo'shni mahalladagi folbinga chiqarandi. O'shandan beri tinchi yo'qolgan. Folbining aytishicha, Asadulla ismi unga kulfat keltirayotgan emish. Birov shu ismni aytib chaqirsa xuddi egasini la'natlayotgandek bo'larkan. Endi ukam ismimni o'zgartiraman deb oyoq tirab olgan. Hech kimning gapini quloqqa ilmayapdi. Nima qilishga hayronmiz. Iltimos, maslahat bering.

Shohrux IBODULLAEV  
Bog'ot tumani

Savolga amaliyotchi psixolog Luqmon KAZAKOV javob beradi:

— Ochig'ini aytaman, ukangiz o'ta ishonuvchan inson. Bu, bir jihatdan, infantilizm belgisi ham hisoblanadi. Ya'ni, shaxs yoshiga nomunosib xatti-harakatlar bajaradi, bolalarcha mulohaza yuritadi, qilayotgan

ishlarini tahlil qilib ko'rmaydi. Axir, yigit kishining folbinga murojaat qilishi, tag'in, aytganlariga laqqa tushishi o'z-o'zidan g'ayratibiy hol solish, hatto halokatga boshlash mumkin. Birovning izmiga ergashish, bo'yisuvchanlik



psixologik yordamga muhtojligidan dalolat beradi. Ukangiz begonaning hech asossiz "maslahat"i bilan ismini o'zgartirishga tayyormi, demak, bundan keyin ham boshqa xildagi ta'sirlarga berilaveradi. Umuman olganda, irodasiz odamni xohlagan ko'vga solish, hatto halokatga boshlash mumkin. Birovning izmiga ergashish, bo'yisuvchanlik

psixologik og'ish sanalib, ilmiy tilda konformizm, deb yuritiladi. Bundan juda ehtiyot bo'lish kerak. Aks holda, jiddiy dardga yo'liqish hech gap emas. Ayni damda Asadullani yoningizga o'tqazib ismining ma'nosini obdon tushuntiring. Bunday ism hali hech kimga kulfat olib kelmaganini asoslab bering. Atrofdan misollar keltiring. Foyda bermasa, albatta, psixologga murojaat qilish zarur.

## HAYOT KO'ZGUSI

## Mehribon kelin

NURAFSHON

Dilnoza tong saharlab ro'zg'or ishlariga unan ketdi. Sigir sog'di, sut pishirdi, hovli supurdi. Ishga yana kech qolmay deb bolalarini ham vaqtlirig uyqudan uyg'otdi. Yuz-qo'llarini yuvib, nonushtasini berdi, bog'chaga olib borish uchun kiyintirdi. Endi darvozadan chiqayotganida qaynonasi chaqirib qoldi:

— Kelinposhsha, bugun qo'shni mahallada to'y bor. Shunga bir tog'ora somsa qilib bersangiz. Ovsiningizning boshi og'riyotgan ekan. Bolalarni bog'chaga qo'ying-da, tezda qaytib keling. Ishxonangizga bugun borolmayman, zarur ishim chiqib qoldi, deb qo'yarsiz. Dilnoza har galgiday tasdiq ishorasida boshini egdi-da, bog'chaga shoshildi. Yo'l-yo'lakay bir oy ichida ishxonasidan necha marta javob olganini hisobladi. "Rahbarim oldida juza noqulay bo'lyapti, lekin buni qaynonam tushunmasa, turmush

o'rtog'im yonimni olmasa nima qilay?" — ichida o'yladi u. Kelin uyga qaytib, somsa taraddudiga tushdi. Tandirni qizdirarkan, oilada unga nisbatan bo'layotgan nohaqlikdan xo'rliqli keldi. Ko'zlarida yosh aylandi. To'g'ri-da, ovsini bilan to'ylari bir kunda bo'lgan, yoshlari ham teng. Faqat u oddiroq oiladan, ovsini esa, kazo-kazo odamlarning farzandi. Dilnozaning yaqinlari mehmonga kelsa, hech kim pinagini buzmaydi. Ovsiningni uyidagilari keladigan kun esa,

katta bayram. Dilnoza betob bo'lsa, birovgacha bildirmaydi. Boyvachcha kelinning sinchalog'ini chivin chaqsa ham shifokor chaqirishadi. U ro'zg'or tashvishlarini deb ishdan qolsa, kechiksa mayli, ovsini esa... Qaynonasi Dilnoza qilgan yumushlarni ham boyvachcha kelin foydasiga o'zlashtirib, qo'shnilariga: "Baraka topsin, o'z qizimday mehribon, qo'li gul, oyog'i chaqqon", — deb maqtagan-maqtagan. — Somsa pishay deb qoldimi? Qaynonasining qo'qqisidan eshitilgan

ovozidan Dilnoza cho'chib ketdi.

— Tayyor bo'lsa ovsiningizga bir tovoq kiritib bering. Issiqligida yeb olsin. Ertalabdan tuz totgani yo'q. Sho'rlikning tobi qochgan. Ishga ham borolmayapti.

Dilnoza lom-mim demadi. Qaynonasi tandir boshidan ketgach, dardini ichiga yutib chuqur qo'rsindi, xolos.

Tovoqni to'ldirib somsa olib kirarkan, ovsini oyna oldida sochini turmaklayotganini ko'rib hayron qoldi.

"Boyxonim" o'zini oqlash uchun to'qigan bahonasiga parvo ham qilmay somsani bir burchakka qo'yib, chiqib ketdi. Dilnozaning o'pkasi to'ldi, asabiyshangidan ko'z oldi qorong'lashdi. Lash-lushini ko'tarib, uydan chiqib ketmoqchi ham bo'ldi. Ammo onasining: "Bolam, meni desang, uyingdan norozi bo'lib ostona hatlab chiqma. Oila muqaddas. Turmush tashvishlarida chida, sabrli bo'l", — degan gaplarini eslab, fikridan qaytdi.

Shunday kunlarning birida qaynona qattiq shamollab, shifoxonaga tushib qoldi. Og'ir damda kimning qanday ekani bilindi. "Mehribon" kelin

aqalli bir marta ham uni ko'rgani bormadi. Dilnoza esa, har kuni issiq ovqat bilan qaynonasining holidan xabar olib turdi. Har gal: "Ertaga qanday ovqat olib kelay, ko'nglingiz nimani tusayapti, oyijon?", — deb so'raganida bemor ayolingni lablari titrab ketardi. Biroq keliniga bir so'z aytolmasdi.

Oradan vaqt o'tdi. Xonadonning katta bekasi tuzalib, uyga qaytdi. Dilnoza yelib-yugurib uning xizmatini qildirdi. "Boyxonim" esa, qaynonasi shifoxonadan chiqishini ham kutmay onasinkiga jo'nab ketdi. Kechki ovqat mahali Dilnoza uchun kutilmagan va unutilmas voqea bo'ldi. Qaynonasi boshini silab, bag'riga bosarkan: "Hammasi uchun rahmat sizga. Yoshim shunchaga borib yaxshi bilan yomonni ajratolmagan ekanman. Joningiz omon bo'lsin. O'zim o'rgilay sizdan. Meni kechiring, qizim", — dedi. Dilnozaning ko'ngli tog'day ko'tarildi, barcha amlarini unutdi. Ertasi kundun qaynona mehribon kelinning barcha yumushlariga qarashdigan bo'ldi.

## AZIZ MUSHTARIY!

Intellektual salohiyatingizni sinab ko'rish maqsadida gazetaning 82-soni (2018-yil, 12-iyul)da "Jahon oliy o'quv yurtlari" krossvord, 84-soni (2018-yil, 17-iyul)da "Ilmu ma'rifat zahmatkashi" mashqlarini e'lon qilgan edik. Quyida ularning javobi bilan tanishishingiz mumkin.

## "JAHON OLIY O'QUV YURTLARI"

bilimdonlik mashqlarining javoblari: **KROSSVORD.** Belgilangan xonadan soat mili yo'nalishida raqam atrofiga: 1. Garvard. 3. Xarkov. 5. "Iste'dod". 7. Istanbul. 9. Prishtina. 12. Vilnyus. 13. Toshkent. 14. Kalkutta. 15. Kolumbiya. 18. Salerno. 19. Lyublyana. 20. Oksford. 21. Varshava. 23. Budapest. 25. Lomonosov. 27. Samarqand. 29. Adelaida.

**Eniga:** 2. Vena. 4. Kioto. 6. Tartu. 8. Test. 22. Riga. 24. Tokio. 26. Milan. 28. Mali.

**Bo'viga:** 10. Rostok. 11. Italiya. 16. Krakov. 17. Upsala.

**MUAMMONOMA.** Kalit so'zlar: 1. Al-Xorazmiy. 2. Ibn Sino. 3. Qadr. 4. A'lo. 5. Meros. 6. Yakun.

**Raqamlarda:** Xorazm Ma'mun Akademiyasi. Abu Nasr ibn Iroq. Al-Beruniy.

## "ILMU MA'RIFAT ZAHMATKASHI"

bilimdonlik mashqlarining javoblari: **CHAYNVORD.** 1. Qosimov. 2. "Vatan". 3. Niifoq. 4. "Qish". 5. "Shuhrat". 6. Toshkent. 7. Tarbiya. 8. Adabiyot. 9. "Turkiston". 10. Navoiy. 11. Yaxshilik. 12. Kolizey. 13. "Yotma". 14. Arab. 15. Bilim. 16. Munavvar qori. 17. Intizom. 18. Maryam. 19. "Mushtum". 20. "Mirobod". 21. Do'stlik. 22. Kitob. 23. "Bulbul".

**MUAMMONOMA.** Kalit so'zlar: 1. Madrasa. 2. Hirot. 3. Qamish. 4. "Aqli qarg'a". 5. Komil. 6. Rang.

**Hikmat:** Tiriklikda kishikim qilsa har kor, Aning osonlig'ina ilm dorkor.

## "SHAPKA" BORMI, ZO'RSAN, AKSI BO'LSA, XO'RSAN!



## KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

## YO'LOVCHILAR

Baxtiyor BO'KAEV

Transportsiz kundalik hayotimizni tasavvur qilish qiyin. Ayniqsa, avtobus aksariyat odamlar uzog'ini yaqin qiladigan vosita.

Kamina uchun ham shunday. Bugun odatdagidek ishga otlandim. Avtobus qo'zg'aldi. Ko'cha manzaralari birin-ketin ortda qolib, navbatdagi bekatga yetib keldik. Avtobus jamoat transportiga emas, jamiyat hayotidagi turli epizodlarni namoyish etuvchi o'ziga xos teatr sahnasidir. U misli darxonaga, kishiga yaxshiyu yomonidan saboq beradi. Ana, ikkita yosh qiz keksalardan oldin shoshilib avtobusga chiqdi. Ko'zlari olazarak holda bo'sh o'rindiq izlay boshladi. Sal keyin chiqqan ikki onaxonga eshikka yaqin o'tirgan yigitlar og'rining o'rini bo'shatdi. Nariroqda quloqchun taqqan bir qiz o'zini uxlaganga

solgan. "Sho'rlik" ertalabdan qattiq charchaganga o'xshaydi. Tag'in ko'zini ham ocholmaydi, axir, tepasida yoshi kattaroq yo'lovchi turibdi-da. Uni "ko'rib qolsa", vijdoni uyg'onadi, yaxshisi uxlagani ma'kul.

Maktabda o'qigan kezlirimizda qaysidir darslik kitobida ibratli voqea keltirilgan. Mazmuni shunday: tishi og'rigan bola shifokorga borish uchun avtobusga chiqadi. Tishini bahona qilib, o'tirib oladi. Tepasida esa, keksaroq kishi tik turib ketadi. Manziliga yetib, shifokor kabinetga kirs, ittifoq avtobusda birga kelgan o'sha odamga ko'zi tushadi. Xijolatdan yerga qarab qoladi. Bu biz, o'quvchilarga juda ham kuchli ta'sir qilgan voqea edi. Haligacha jamoat joylarida yalpayib o'tirib olishga andisha qilamiz. Mayli, "sahna ko'rinishlari"ni kuzatishda davom etaylik. Hu ana u yerda

bashang kiyingan oliitaroq yigitning qulog'idan telefon tushmaydi. O'rtog'i bilan kecha mahallasida yuz bergan allaqanday voqeani muhokama qilib ketayotir. Ovoz avtobusning yarmini tutgan. Fahmlashicha, u o'sha do'stining yoniga bormoqda. Yo ajabo, ko'rishganda gaplashib olsa bo'ladi-ku!..

Avtobus go'yo hayot charxpalagi. Odamlar suv tomchilaridek ilashib chiqaypti, manziliga yetganda, tushib ketaypti. Youshu qari aralash — chiqaypti, tushaypti. Ammo hech kim muqim qolayotgani yo'q. Hatto haydovchi ham fursat yetib ulovni bo'shatishi aniq.

Men ham bekatinga yaqinlashgach, tushishga hozirlandim. Shu payt salonga odob bilan kiyingan yigit va qiz chiqdi. Ular past ovozda xalqatlashar, hech kimga suhatib bermay chekaroqqa turdi. Qulog'ida quloqchin ham, qo'lida telefon ham yo'q (axir, bu match cho'ntak yoki sumkada turishi kerak-da). Ko'zlari o'ynab joy qidirdim. Ularni kuzatib kayiyptim ko'tarildi. Odobli bo'lish qanday yaxshi-ya! Odamiyligimizni yo'qotmaylik, aziz yo'lovchilar!

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

## TAHRIIR HAY'ATI

Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekturodov,  
Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev,  
Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir  
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina —  
mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

## Dizaynerlar

Abdullayev Xurshid  
O'ktamjonovich  
Norboyev Jamoliddin  
Jumanazar o'g'li

## Navbatchesi

Boboravshan G'oziddinov

"YOSHLAR OVOZI" dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.  
belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.

## Navbatchesi

Boboravshan G'oziddinov

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,  
A-2 formatida chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-836  
Adadi — 12073  
Boshlash topshirish vaqti — 21.00  
Toshirildi — 00.30

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5 8